

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzrak.uz

2003 йил 30 январь, №25 (3137)

Пайшанба

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мадрид, 29 январь. Ўза махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Мадридда давлат ташрифининг учинчи кунини Испаниянинг энг йирик банкларидан бири "Банко Билбао Веская Аргентария" ("ББВА") раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда асосий эътибор молиявий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Президентимиз Ўзбекистон банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб, икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита алоқаларини ривожлантириш ва Испания сармоясининг юртимизга киришининг кўпайишида "ББВА" муҳим ўрин тутиши мумкинлигини таъкидлади. Сўхбат чоғида Ўзбекистон молия муассасаларининг "ББВА" билан ҳамкор-



лигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Испания Европа-

нинг энг қадимий давлатларидан саналади. Нодир тарихий ва маданий ёдгорликларга

бой. "Эл Прадо" музейи эса испанларнинг фахри. Бу ерда мамлакат ва Европа ўтмиши-

га оид ноёб тарихий ашёлар, тасвирий санъат ва халқ хунарандчилиги усталарининг нодир асарлари сақланади. Ислам Каримов ушбу музейни бориб кўрди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

"Эл Пардо" қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимизни Испания Қироли Хуан Карлос Биринчи кузатиб қолди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Испанияга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

СУРАТДА: Ислам Каримов ва Мадрид шаҳри мэри Хасе Мариа Альварес дель Манзано. Абувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон ва жаҳон

Франция қадимдан ер юзидagi маданият бешикларидан бири бўлиб келмоқда. Бу мамлакатда дунё маданиятининг энг нодир дурдоналари жамулжам қилинган. Зотан, бундан бир неча аср муқаддам аждодларимиз томонидан француз халқи билан бу соҳадаги алоқаларимизнинг пойдевори қўйилган.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Мустақил Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари 1993 йил октябр ойида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Францияга қилган давлат ташрифи чоғида яратилган. Бу ташриф давомида Ўзбекистон ва Франция республикалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартонома, шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Дарҳақиқат, икки давлат ўртасидаги маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши билан бу борадаги аزالый алоқаларнинг кучайишида кенг имкониятлар пайдо бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари И. Каримовнинг 1996 йил 21-24 апрель кунлари расмий ташриф билан иккинчи бор Францияда бўлиши икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтарди. Юртбошимизнинг Франция Республикаси Президенти Жак Ширак билан учрашуви чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбекистон — Франция муносабатлари узоқ тарихга эга эканлиги, аниқроғи Ўзбекистон — Франция ўртасидаги дипломатик алоқалар ва дўстлик ришталари XIV асрнинг охирида ва XV асрнинг бошларида буюв давом этиб келаятигани алоҳида таъкидланди. Буюк Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмалар ўзаро савдо-сотик ва дўстона муносабатларга тааллуқли эканлиги кўрсатилди.

Ушбу ташриф давомида Юртбошимиз И. Каримов ЮНЕСКО қароргоҳида ташкил қилинган "Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг ривож" мавзусидаги кўргазмада иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил баҳорида Францияга қилган расмий ташрифидан сўнг маданият соҳасидаги алоқалар жадал суратларда ривожлана бошлади. Кейинги 5-6 йил мобайнида бевосита Франция ёрдами билан бир томондан, француз маданияти вакиллари Ўзбекистонга ташрифларини уюштирилган бўлса, иккинчи томондан, ўзбекистонлик артистлар, рассомлар, музикашунослар ва театршуносларнинг Франция пойтахти Париж ва унинг бошқа йирик шаҳарларида учрашувлари, катта концертлари, саҳна чиқишлари, кўргазмалари, фестиваллари ўтказилди. Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Алимов ва Муножат Йўлчиевларнинг Францияда берган концертлари тингловчи — томошабинларда катта таассурот қолдирди. Музикашунос мутахассисларда эса ўзбек классик музикасига нисбатан катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. "Сўғдиёна" ансамбли Лиондаги миллий консерваторияда ўз репертуарини ижро этди. Унинг дирижери Феруза Абдураҳмонова Франциянинг Вистон консерваторияси стипендиёси соҳибига бўлди.

Тошкентдаги Абдор Хидоятлов номида театр жамоаси 1993 йилдан бошлаб Парижнинг машҳур театрлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Утган давр мобайнида театрнинг биринчи раунгидан кейинги артистлари Францияда малака ортириб қайтишди. Ўз навбатида ёш француз театр артистлари, Тошкент рус драматик театрида ҳамда Илҳом театр студиясида таъриб аламлишди.

Театр соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ютуқлари талант-режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошевнинг янги ишларига қўл уришга чоғланди. Дунёга машҳур француз каспоси Жан Багист Мольтернинг "Тартюф" пьесасини франсуз каспоси Кристоф Фуртје билан биргаликда ўзбек ва рус тилида сахналаштирди. "Тартюф" пьесаси томошабин ва мутахассисларнинг мақтовларига сазовор бўлди. 1996 йилда А. Хидоятловнинг театр жамоаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ўқувчиси ва талабалари билан ҳамкорликда француз ёзувчиси Ф. Галсениннинг "Малика" пьесасини француз тилида сахнала олиб чиқилди.

1992 йилдан буюв ҳар йили икки марта французлар ўз фильмлари билан Ўзбекистонликларни таништириб келишмоқда. Улар, хусусан Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарларда француз фильмлари фестивали, ҳафталик ёки кунларини ташкиллаштириб келишмоқда. Бундан кинно таъбирлар Францининг машҳур кинорежиссёрларига (Годар — 1992 й., Труффю — 1993 й., Бриссон — 1999 й.) ёки киноактёрларига (Ален Деллон — 1998 й., Ив Монтан, Симон Сингоре, Жан Марс — 1999 й.) бағишлаб ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қатор институтлари Франция Фанлар академияси тизимидаги турдош илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқалар ўрнатган. Маълумки, Франция археология, айниқса, бу соҳада қўлланмадан талдиқот усуллари билан жаҳонга машҳур. Бинобарин, Ўзбекистон — Франция ўртасидаги археология борасидаги ўзаро ҳамкорлик ўтган асрнинг эллигичи йилларида бери давом этмоқда. Ушда даврда ўзбекистонлик академик Г. А. Путиченко ва М. Е. Массонлар французлик профессор Р. Гиришан билан ёзишмалар олиб боришган. Кейинчалик Парижда учрашушига мунасар бўлишган.

1988 йилда Афросиёб қолдиқларини талдиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини Археология институтининг илмий ходими М. Исмаилов раҳбарлигида ўзбек олимларидан Х. Охунбоев, Қ. Абдуллов, Р. Сулаймонов, И. Иварричкийлар Франция олимларидан академик П. Бернер, Ф. Гренс, П. Шюенеллар бевосита иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда).

Бавария федерал ўлкаси пойтахти Мюнхен шаҳрида қурилиш махсуслотлари ва «БАУ-2003» технологияларининг ўн бешинчи халқаро кўргазмаси бўлди. Ушбу кўргазмада Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Мазкур тадбир доирасида республикамиз иқтисоди ва қурилиш имкониятларини таништириув маросими ҳам ўтказилди. У элчихонамиз ҳамда «Сименс» компанияси ҳамийлигида ташкил этилди.

Технологиялар кўргазмаси

Халқаро кўргазма ўтказилётган «Мессе-Мюнхен» комплексида ҳар йили хорижий мамлакатлардан икки миллиондан ортиқ мижозлар ташриф буюради. Бу йилги кўргазмада эса дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакат ва компания, хусусан, Буюк Британия, Португалия, Швеция, Италия, Туркия, Исроил, Нидерландия ва бошқа давлатлар вакиллари қатнашди.

«Сименс» корпорациясининг халқаро ҳамкорлик бўйича вице-президенти Райнер Кёнигсхайм Ўзбекистоннинг юртимизга қўйишлари, иқтисодий имкониятлари жидатдан Марказий Осиё минтақасида муҳим ўринни эгаллашини таъкидлади.

Ўзбекистон архитектура ва қурилиш кўмитасининг раиси А. Тохтаев республикамизда йирик корхоналарни хусусийлаштириш хусусида, шунингдек, қурилиш соҳасида, чет эл

сармоясининг ўсиши ва келгусида хорижий тадбиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш учун Ўзбекистонда ҳуқуқий асослар яратилганини маълум қилди. Юртимизда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган «Кнауфф» компанияси бош директори, доктор Ф. Хамм Тошкентда ва Термизда ўз заводларининг филиалларини очганилиги, республикамиздаги Давлат техника университети ва қатор касбий коллежалар билан ўзаро алоқалар ўрнатилганини, келгусида ушбу компаниянинг ўқув марказлари ташкил қилиниши айтилди. Бош директор немис ишбилармонларини учун самарали фаолиятлари учун барча зарур шароитлар яратилган Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга даъват этди.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин.

МУКОФОТ — МАҲАЛЛАГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ

Тўртқўн шаҳридаги "Гулистон" маҳалла милиция таянч пункти мамлакат миқёсида ўтказилган "Энг яхши милиция таянч пункти" курик-танловига голлиб чиқиб, "Тико" автомашинаси билан мукофотланди. Бу хабар бутун маҳалла ахлини қувонтирди.

Маҳалламиздаги 719 хонадонда 3 минг 200 га яқин киши истиқомат қилади. Худудимизда битта болалар боғчаси, бир мактаб ва иккита касб-хунар коллежи бор. — дейди маҳалла фуқаролар йиғинини раиси Комилжон Ҳожиёв. — Шунингдек 17 та санат, қурилиш ва транспорт корхонаси, 20 минг томошабин сингадиган марказий уйингоҳ, автошоҳбета ва ёрдамчида худудда жойлашган бўлиб, улар атрофини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини бошлаб юборди. Турли тадбирларни ўтказишда ушбу ташкилотларнинг ҳомийлик кўмаги жуда асослидир. Тўй-маъракаларини тартибди, ихчам ўтказишни назорат қилиш мақсадида етти кишидан иборат комиссия тузилди. Улар насладати ва ёрдамчида маърака-маросимлар кўнгилдагидек ўтмоқда.

Маҳалла гузарни ўзига ҳос савдо ярмаркасига айланган. Бу ерда олтинга хусусий тадбиркорлик цехи фаолият кўрсатмоқ-

да. Уларда ишлаб чиқарилаётган қандолат, мебель, тикуччилик махсуслотлари, уй-рўзгор буюмлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Маҳалла аҳлига манший хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Худуддаги учта сартарошхона, тўрт пойабзал тузатиш устaxonаси, 12 та ошхона, "Қаландар" қариялар қойхонаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси, учта ёқилги қуийи шоҳбечаси эл хизмати.

— Маҳалла тинч — юрт обод, деган гапда чуқур маъно бор, — дейди маҳалла таянч пункти раҳбари, милиция лейтенанти Сафарбой Жиянмуратов. — Худудда осийишталликни таъминлашдек масъулиятни таъминлашда маҳаллада маҳалла раҳбарлари, 20 дан ортиқ кўнгилдилар яқиндан ёрдам бермоқда. Таянч пунктимизга берилган мукофотини бутун маҳалламизга билдирилган катта ишонч деб билимиз.

А. ОРТИКБОВ, ЎЗА мухбири.

Хайрия Ва ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Хайрия фаолиятини ҳуқуқий бошқариш: хориж тажрибаси" мавзусидаги халқаро семинар бўлиб ўтди. У Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази (ICNL) ва Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан ташкил этилди.

Бу доллар семинарда Олий Мажлис депутаты, доктор Ф. Хамм Тошкентда ва Термизда ўз заводларининг филиалларини очганилиги, республикамиздаги Давлат техника университети ва қатор касбий коллежалар билан ўзаро алоқалар ўрнатилганини, келгусида ушбу компаниянинг ўқув марказлари ташкил қилиниши айтилди. Бош директор немис ишбилармонларини учун самарали фаолиятлари учун барча зарур шароитлар яратилган Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга даъват этди.

Анжуман қатнашчилари хайрия ва хайрия ташкилотлари тўғрисидаги

қонунчиликни ишлаб чиқишга турли ёндашувларни муҳокама этди, бу соҳадаги халқаро тажриба билан таништи, мавзуда муаммоларни кўриб чиқди, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Муҳим шундаки, семинар масалалари муҳокама қилиниши Ўзбекистонда ишлаб чиқилган хайрия тўғрисидаги қонун лойиҳаларига ҳам, дунё тажрибасида шаклланган халқаро тажрибага ҳам асосланди. Семинар иштирокчилари ижтимоий фойдали ташкилотларни тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, уларнинг фаолият юритиш, молиялаштириш, солиққа тортилишини ҳуқуқий бошқаришнинг ўзига хосликларини билан боғлиқ саволларга экспертлардан тўлиқ жавоб олди.

(ЎЗА).

Брюсселда "Ўзбекистон — ЕИ" ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибига икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш, 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бандларини амалга ошириш масалалари киритилган эди.

Кенгашининг тўртинчи мажлиси

Белгиланган тартибга мувофиқ, ушбу мажлисда ташқи ишлар вазирининг Европа Иттифоқи "училги" га кирувчи Г. Папандреу, Х. Солана, К. Паттен ва Европа Иттифоқи ҳузуридаги Италиянинг доимий вакили У. Ваттани билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар давомида томонлар Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ҳар тарафлама ҳамкорликни келгусида ҳам ривожлантиришга ўзаро рағбат билдирдилар.

Европа Иттифоқи кенгашининг амалдаги раиси, Греция ташқи ишлар вазирининг Греция 2003 йилнинг биринчи ярмида Европа Иттифоқи кенгашида раис мамлакат сифатида ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун барча савдо-ҳаракатларини сафарбар этади, деб таъкидланди.

"Жаҳон" АА

Валютали буюртма — кони фойда

Жиззах пластмасса заводиди "Тасвир" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси 20 минг дона полиэтилен қончиқлари учун валютали буюртмани муздатида, сифатдан адо этиб, навабдаги буюртмаларини бажаришга киришди.

Корхоналарга бундай чет эл валюталари билан ҳисоб-китоб қилинадиган буюртмаларни Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг виллоятдаги вакилининг қоншда ташкил этилган "Жиззахкомарказ" уюштирмоқда.

Барча хайран ишларининг бошида тураётган марказ Италиянинг Ўзбекистондаги "Гамма интернейшнел" ваколатхонаси билан ҳамкорликда мармарини қайта ишлайдиган кўшма корхона тузиш ниятида.

Б. САТТОРОВ.

"Халқ сўзи" назоратида

Кўшма корхоналарга амалий ёрдам

"Халқ сўзи"нинг 2002 йилги 15 ноябрь сонидан топ этилган "Номин улуг", супраси куруқ" мақоласи бўйича қўйиладиган маълум қиламиз.

2002 йилнинг 9 ойи мобайнида республика Адлия вазирлигида 39 та кўшма ва шўба корхона рўйхатдан ўтган. Уларда "Томат", "Сарбиназ-Булгар" ва "Чимбайдери" кўшма корхоналари вазирликнинг 2002 йил 27 сентябрдаги 301-сонли қарори билан реестрдан чиқарилган.

Хўжайли туманидаги "Кар Рос Маш" кўшма корхонаси 41-бўлиб рўйхатга олинган. Ҳозирги кунга келиб республика бўйича 37 та кўшма корхона Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган.

2002 йил 17 сентябрда

кўшма корхоналар ишини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Ҳозир кўшма корхоналар фаолияти жадал бўйича ўрганилмоқда. Натijasига қараб, ҳар бир кўшма корхонага таълиқ қилинган чора-тадбир ишлаб чиқилган ҳамда тегишли ҳокимлик ва бошқарув органларига ижро учун юборилди.

Республикадаги 37 та кўшма ва шўба корхонасининг 12 таси 2002 йилнинг 10 ойи давомида очилган. Шу вақт ичида "Ювнер" ва "ЦАКДК"



Номин улуг, супраси куруқ

Кўшма корхоналари ўз махсуслотларини экспортга чиқарган. "ЦАКДК" кўшма корхонаси 508 минг АҚШ долларига Италиядан тошларни безаш ускунасини олиб келган. 4 минг АҚШ доллари миқдориди махсуслотини экспорт қилган.

С. ИМАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари.

Сўнгги хабарлар

«Philips» нинг совғаси

Германиянинг машҳур «Philips» компанияси мамлакатимизнинг тоғли худудлари учун «УАЗ» маркази бешта сангитр автомашинаси совға қилди. Улардан бири Наманган виллоятининг Янгиқўрғон туманидаги "Заркент" қишлоқ инфохонасига берилди.

— Заркент қишлоғида йилгари мингта яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари, олий тоғли шафқор Хусанбой Уринов. — Тоғли худуд эмасин, сангитр машинасининг бироз эскириб қолганига айрим ноқудайликларини келтириб чиқарилган эди. «Philips» компаниясининг бу беминнат кўмаги қишлоқда тиббий хизмат маданиятининг янада охишига баҳоли қудрат ҳисса қўниши шубҳасиз.

М. ХОЛМАТОВА.

Оқшоқдан — крахмал

Сирдарё шаҳрида оқшоқдан крахмал тайёрлайдиган янги кўшма корхонага тамал тоғли қўйилди. Бунга "Бахт-Ф" хусусий фирмаси ва Локсембургнинг "Айдикинг интернейшл С.А" компанияси ўртасида тузилган шартнома асос бўлди.

Корхона ҳар йили 5 минг тонна оқшоқдан қайта ишлаб, 3,6 минг тонна озиқ-овқат крахмали ва 1,2 минг тонна чорма учун протеин тайёрлаш қувватига эга. Корхонадаги ишлаб чиқарини жараёни Италия технологияси ёрдамида бажарилади.

А. ХОНИМҚУЛОВ.

Амударё узра кўнрик

Амударёнинг қарама-қарши соҳилларида — Қорақалпоғистоннинг Тўртқўн тумани ва Хоразм виллоятининг Хазорасп туманида автомобиль-темир йўл кўприги қурилиши бошланди.

Асосий қурилиш-монтаж ишлари қорақалпоқ соҳилидан олиб боришмоқда. Дарё туби анча чуқур бўлган Хоразм томонида Амударёнинг сув омборидан Оролбўйи суғориш тизимида сув ўтказиш давом этмоқда. Амударё бир неча йиллик кургоқчиликдан кейин жуда тўлиб оқмоқда. Ҳозир кўприк-созлар жадал сурьтада ишланмоқда. Баҳорги сув тошқинларидан олдин кўприкнинг асосий таянчларини ўрнатиб олиш муҳим.

Кўприкнинг Ўзбекистон шимол-ғарби, айниқса Хоразмнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда аҳамияти бекиб, Виллоятда ислохотларни чуқур-

лаштиришининг комплекс дастури амалга оширилмоқда. У 2005 йилга келиб бу ерда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 25 фоизини маҳаллий корхоналарда қайта ишлаш имконини беради. Янги кўприкнинг қурилиши ўзбекистон жадал ривожланиётган саноатини мамлакатнинг асосий автомашина билан темир йўл тизимларига боғлаш, хомашё ва бутловчи қисмларни етказиб келишни ҳамда виллоятда четга таёёр махсуслотини жўнатишни анча арзонлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаёнов қурилишнинг бориши билан танишди. Илгич кенгашда кўприк қурилиши жадалнинг бажарилиши бўйича анди топширилган берилди. Кенгашда Хоразм виллояти ҳокими И. Бобоқонов иштирок этди.

Т. ШАМАКОВ, ЎЗА мухбири.

“Давлатни бошқариш – оғир юк, машаққатли меҳнатдир. Кишилар ўзи билан ўзи овора, подшоҳ эса уларнинг барчаси билан овора. Инсон бир душмандан хавфсираса, подшоҳ минглаб душманлардан хавфсираб яшайди. Инсон ўз кўжалигини тартибга солиш, оиласини озуқа билан таъминлашни ҳам баъзида эплай олмайдди, подшоҳ эса ўз давлатидаги бутун аҳолининг таъминини қилишга мажбур бўлади. У ўз салтанатининг бирор жойига эндигина ямоқ кўйганида, унинг бошқа жойи йиртилиб қолади. Эндигина бир душманни бостирганида, бошқалари билан курашга тайёрланишга мажбур бўлади. Шуниси эътиборлики, унинг жони битта, овқатни ҳам бир фуқарочалик ёйди. Лекин биргина кулча еса-да, минглаб кулчалар ҳақида ҳисобот беради, бир товоқдан ёйди, минглаб товоқлар учун жавоб беради, бир турмушдан лаззатланиди, минглаб ҳаётлар ҳақида қайғуради. Шундай қилиб, ҳукмдор фуқароларнинг барча юкларини ўз елкасида кўтарайди, ўзининг меҳнати ҳисобига уларга дам беради, уларнинг душманларига қарши курашади, уларнинг камчиликларини яширади”. Ат-Тартуший ҳукмдорларнинг кўпчиликлари ҳам шундай фикр юритади.

жарлар талайгина. Бир қараганда, бундай бинолар биз учун ниҳоятда даражаси ва ортиқчадек туюлади. Аслида-чи? Буларсиз Ўзбекистонни жаҳонга танитиш мумкинми, дунё билан бўйлашиш мумкинми? Ўйлаб кўринг: замонавий банк хизмати, шина меҳмонхоналар, қудай савдо биржаларисиз ҳорижлага сармоядорларни ҳам, сайёҳларни ҳам жалб қилиб бўладими? Буларнинг барчаси юртимизнинг равнақи учун хизмат қилмайдими?

Учинчидан, давлатимиз раҳбари айрим кўшилларимиз каби ўзига олтиндан ҳайкаллар қурдиётгани йўқ. Ўйлаб кўринг, қурдиётган барча иншоотлар, аввало, инсонга хизмат қилиш учун мўлжалланган. Янги консерватория, театрлар ва бошқа маданият уюмлари сизу бизнинг маданиятимизни юксалтиришга хизмат қилмайдими? Янги спорт мажмуалари ва стадионлар фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ўсишига хизмат қилмайдими? Кўзимизга жуда ҳаёқаматли бўлиб кўринган коллеж ва лицейлар оқил, етук ва баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилмайдими?

Халқимиз азал-азалдан илму фан тараққийи, таълим ва маърифат ривожига эътибор қилган юрт раҳбар-

бошимизга қанчалик қийинлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўзи нима учун иқтисодчи бўлса-да, эрта-инди даромад келтириши мумкин бўлган соҳалар қилиб, самарасини узоқ йиллар кутиш талаб этиладиган таълим тизимидан сармояларни аяматгани ҳақида жиддий мулоҳаза қилмаймиз. Бунда Юрбошимиз муаммага иқтисодчи ёки сўғатчи сифатида эмас, балки давлат арбоби сифатида ёндашганининг тўғри бўлиши. Одатда, аксариятимиз бугунги кун билан яшаймиз. Кўпроқ кундалик ташвишларимиз билан банд бўламиз. Шунинг учун бугунимиз тўғ ва фаровон бўлса, шу билан қаноат қилмаймиз ва бошқа нарсанинг ташвишини қилмаймиз. Юрбошимиз эса даврларни моҳирона боғлай олиши билан ажралиб туради, ҳаракатларини келажакка йўналтириб фаолият юритади. Бу — унинг ҳақиқий давлат арбоби сифатидаги хислатидир. Бундай фазилатларга эга бўлиш осон эмас. Даврнинг мураккаблигини англаб, унга қарши боришни ҳамма вақт ҳам, ҳамма ҳам уладлай олган. Даврга қарши мослашиб, ўзининг роҳат-фароғатини ўйлаб яшаш мумкин бўлган пайтда ўзининг ҳаловатидан воз кечиб, эл-халқ манфаатини барча нарсалардан устун қўйиш ҳаммининг

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Турли йилларда Ўзбекистон археологлари А. Абдуллаев, А. Асқаров, Г. Пугаченкова, Э. Ртвеладзе Францияда маърузалар ўқиди. Ўзбекистонлик олимлар Франциянинг машҳур археологлари Ж. К. Гандер, Ж. Гюрсанлар билан илмий алоқалар ўрнатганлар. Иккала мамлакат олимларининг археология соҳасидаги илмий алоқалари йилдан-йилга мустақамлашиб бормоқда.

1992 йилда мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда Франция Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институтининг (L'IFEAC) очилиши Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги илмий ҳамкорлик ривожига салмоқли қадам бўлиб хизмат қилди. Мазкур илмий даргоҳда ўнлаб франциялик ва бошқа Европа мамлакатлари тадқиқотчилари ишлашади. Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам маълум даражада бўйича 6 ойдан 1 йил муддатга бундан тадқиқотларга жалб этилади. Ўзбекистонда ўтказиладиган турли семинар ва коллективларда иштирок қилишлари Тошкентдаги мазкур институт Европанинг Марказий Осиёни тадқиқ қилиш бўйича ягона илмий маркази ҳисобланади.

Институт мунтазам тарзда Марказий Осиёга бағишланган монография асарлар ва дўстлик нашрларини чоп этиб боради. Унинг дўстлик хонасида Марказий Осиёга тааллуқли 10.000 дан ортиқ илмий китоблар тулганган. Марказий Осиё тарихи, унда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиққан ҳар бир тадқиқотчи кутубхона хизматидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон — Франция олий ўқув юрталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кун сайин ривожланиб боради. 1992 йилдан ҳозирга қадар Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси мувофиқлаштирилган университетларро аламушулар Дастурига кўра 1000 дан зиёд Ўзбекистонлик талабалар Франция олий ўқув юрталари стипендияларини олишга муваффақ бўлишди.

1997 йилдан буён ҳар йили Франция элчихонаси саъй-ҳаракати билан 20-25 ўзбекистонлик ўқитувчи малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадида Францияга юборилди.

Ўзбекистон — Франция маданий ҳамкорлигининг янги бир кўриниши ҳаммуаллифлик, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ёзиш, лугатлар тайёрлашга намоён бўлмоқда. 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Жаҳон тиллари университетини доцентли ўқувчи Мансуров, Франция элчихонаси ходими Худойқул Ибрагимовлар Франциялик ҳамкасблари Байрам Болчи ва Ионан Юрээлар билан биргаликда 16 босма таъриҳ, ўзбекча-французча лугат яратди. Лугат Парижда нашрдан чиқарилди.

1998-2002 йилларда Жаҳон тиллари университети доцентлари Абдуманнон Нишонов, Мирза Убайдуллоев Республика Тест маркази ходими Зумрад Абдуазимова, Бухоро вилояти Фижуллов туманидаги француз тили кўчаитиш маркази раҳбари Саид Раҳмоновлар Франциялик профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилиб, пировардда Ўзбекистон Республикаси ўрта мактабларининг 5, 6, 7-синф ўқувчилари учун француз тили дарсликларини ёзиб нашрдан чиқаришди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб француз халқи ЮНЕСКО доирасида ўзбек халқининг ўтмиш тарихига оид бир қатор сандарни кенг жамоатчилик билан нишонлаб келмоқда. Буюк бобокалонимиз Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улубек таваллудининг 600 йиллиги, Камолдин Бехзоднинг 545 йиллиги, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шаҳрисаб шаҳрининг 2700 йиллиги шулар жумласидандир.

Франция Республикаси мамлакатимиз билан маданий алоқаларини янада фаоллаштириш мақсадида дастлаб, 1991 йилда Тошкент, сўнгра 1994 йилда Самарқанд шаҳарларида Альянс Франсес («Француз маданияти ва тил маркази») очди. Мазкур марказлар катта ва бой кутубхонага, энг замонавий компьютерлар ҳамда техника воситаларга эга. Уларда французларнинг маданияти, тилига оид турли уншулар, кўргазмалар, кўрик-танловлар уюштирилиб турилади. Утган йил француз театри, киноси ва расомчиликка бағишланган ўзбекистонлик кўрик-танловлар натижасида республика олий ўқув юрталарида жами 5 талаба тегишли соҳа голиблари сифатида Франциянинг илмий маданий марказлари ҳисобланган шаҳарларда ўз билимларини ошириб қайтишди.

Қайд этиш жоизки, Францияда таълим олаётган талаба- магистрантларимиз тўғрисида франциялик профессор-ўқитувчиларнинг фикрлари мақтовга лойиқ. Уларнинг маълум қилишича, ўзбекистонлик талаба магистрантлар ҳар доим бошқа хорижий таълим олувчилардан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонлик ёшларда, хусусан, тиришқоқлик, билимга чанқоқлик ва унга интилиш ҳамда муомала маданияти ниҳоятда кучли.

Шу йилнинг 22 январь кунини Франция элчисини, жаҳон Ж.А.Костийнинг ташаббуси билан хорижий мамлакатларнинг Тошкентдаги элчихоналари, чет эл ваколатхоналари бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида Германия — Франция ўртасида дўстлик Шартномаси (Елисей Шартномаси) тузилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан катта тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасини ташқи ишлар вазири А. Комилов, Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Ж.А.Костий, Германиянинг Ўзбекистондаги вақтинчалик ишончли вакили доктор Потманлар нутқ сўзлашди. Барча нотиклар халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, биродарлик алоқаларининг аҳамияти, уларнинг янада ривожлантириш истиқболларига катта эътибор қаратди. Тадбирнинг иккинчи қисмида Германия — Франция маданий марказларининг биргаликда бадиий чиқишлари, томошалари уюштирилди. «Сўғайна» оркестри иштирокида ўзбек, француз, немис тилларида концертлар берилди. Юқори савияда уюштирилган тадбир икки томонлама, шунингдек кўп томонлама ҳамкорликнинг амалиётдаги ёрқин намунаси бўлди.

Мирзоб ТУРДИЕВ,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети «Халқаро муносабатлар» факультети декани.

...ОНИКИМИ ЙЎҚ ХАЛҚ ФАМИДИН ФАМИ

датларни подшоҳлар эмас, асосан Президентлар, бош вазирлар бошқаришди. Тўғри, бугунги кунда дунё ҳаритасининг салмоқли қисминини салтанатлар эмас, республикалар ташкил этади. Тўғри, бугунги кунда бир кишининг иродасига бўйсунадиган мултлақ монархиялардан кўра халқнинг иродасига таянадиган демократик давлатлар улushi катта. Аммо бу ҳолат давлат бошлигининг елкасидаги масъулиятни камайтирмиши? Инсонлар ҳали-ҳануз ўзи билан ўзи овора эмасми? Кишилар ҳали ҳам ўй-рўзгор ташвишлари билан банд эмасми? Ҳозир ҳам барчамиз ўз турмушимиз, ўз бола-чақамиз, ўз рўзгоримиз гамини емаймишимиз? Баъзида фарзандларимизнинг тарбиясини эплай олмаётган рузгорни бутлай олмаганимизда дунё кўзимизга қоронғу қўриниб кетиб, ҳаётимиздан нолиб ҳам кўйаймишимиз? Лекин негадир ўз оиласидан ташқари бутун юрт гамини еб яшаётган, ўз фарзандларидан ташқари ўзбегим фарзандларининг қонид инсон бўлиб етишиши ҳақида қайғураётган, барча каби манфаат даражасида эмас, миллат даражасида ёнаётган, худлас, барчамизнинг ташвиш-мизини қилаётган инсоннинг бундай беҳаловат ҳаётини оддий деб биламиз. Уйку олдиндан кўчада Президент кортежи ўтаётганида ҳавас қилиб қараймиш-у, бо одам шу пайтгача ишлаб, аслида, сизу бизнинг тинч ва фаровон ҳаётимиз гамини қилиб, бу ҳаловатидан кечаётгани ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Унинг бундай қуюнчак фаолиятини ва ташвишмандлигини кўникиб ҳам қолганми. Баъзида янги қон-қариндошларимизнинг ташвишлари ҳам бизга ортиқчилик қилганида бу кишининг миллионлаб ўзбекистонликлар ҳақида қайғуриб яшаётганига таҳсинлар айтишни унутиб қўямиз.

олиш керак, ҳаммамиз ҳам бунинг улусидан чиқармаймиш ва турли баҳоналарни рўйқач қилиб, ўзимизни оқлаймиш. Ана энди масалага кенгроқ қаранг — бир кишичилик кучгайратта эга давлат раҳбари қанча жойини обод қилди, қанчадан-қанча бинолар бунёд қилди, қанчадан-қанча ёшларнинг тарбиясига бош-қош бўлди!

Даромад олишни кўзлаб, бог барпо этмоқчи бўлганларнинг юрт ободчилигини кўзлаб солиқлардан озод қилинган бежиз эмас-ку. Агар деҳқон дарахт экаётганда, ундан фойда олишни кўзлаган бўлса, уни дарахт экишга раъбатланган Юрбошимиз нимами ўйлади экан? Вилотларга сафар чоғида кўкаламзор қўчаларни кўриб самимий қувонганида, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга Юрбошимизни нима ундади экан? Одамларни терак экишга қачириб, бунинг «эрта-индин уйга тўсин бўлади», деб тушунтирганида Юрбошимиз кимнинг уйини назарда тутди экан? Юрбошимиз экирган дарахтлар бугун мева берди, у экирган тераклар хонадонларга тўсин бўлди, унинг ташаббуси билан маҳалларлар, кўчалар кўкка бурканди.

ларини улуглаб келган. Соҳибқирон Амир Темури, Мирзо Улубек даврида қанчадан-қанча етук олимлар, адиблар етишиб чиқди, жаҳонга татигулик илмий асарлар яратилди. Бунинг сабаби — улар мактаб-мадрасалар қуришга алоҳида эътибор бердилар. Мирзо Улубек Самарқандда расадхона қуриб, атоқли олимларни йиғиб, фалақий элминини урганишдан ташқари, бир қанча мадрасалар ҳам қурдиргани маълум. Айтишларича, у Самарқандда мадрасани олиб қуриш ҳақида фармон берганида, айрим вазирлар: «Бундай мадрасани қуриш учун жуда катта маблағ керак, подшоҳлик хазинасининг ундан бир улushi сарфланади бунга», деб таҳликага тушганлар. Шунда Улубек уларга қараб: «Агар бунга подшоҳлик хазинасининг ями сарфланса ҳам, мадрасани қуриш ниятидан қайтмайман. Зеро, илм-маърифат ҳар қандай хазинадан банд турлади», дейди. Бу гапни бир вақтлар ўз обсерваторияси орқали жаҳонга танилган Улубек айтган эди. Ана энди ўйлаб кўринг. Юртимизда коллеж, лицейлар қурдириш мақсади ортида қанчадан-қанча ёш Улубек, Форобий, Навоийлар авлодини тарбиялаш ва улар орқали миллатимизни жаҳонга танитиш каби эзгу ният яширин эмасми? Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар мавжуд пайтда давлат бюджетининг салмоқли қисмини таълим тизимига сарфлаш бироз оғирлик қилади. Лекин айнан илм даргоҳларида келажакнинг баркамол, ақли расо авлоди воғая етишини кўра билган Юрбошимиз худди Улубек сингари бундай масканлар қуришдан маблағни аямат-этир. Наҳотки, фарзандларимизнинг ақлий салоҳиятини, заковатини тоб-лайидан таълим-таҳсил масканлари қуришдан тежаб мумкин бўлса?

қўлидан ҳам келармайди. Бугунги кунда амалга оширилаётган ишларга биз баҳо беришга ожизмиш, уларга вақт — одил ҳақам.

Кишиларнинг табиати қизиқ. Америкалик киши тадбиркорликни одатда, бино изланганда экан. Немис кишиси эса иш бошлаганда аввал ишлаб чиқаришнинг илгор технологиялари билан танишар экан. Японлар эса ўз бизнесини корхонасининг бўлуғуси ҳолимларини ўқитишдан бошлар экан. Ҳақиқатан ҳам, инсон салоҳиятини оширишга йўналтирилган маблағлар энг самарали сармоа саналади. Аслида, Президентимиз ташаббус билан қабул қилинган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ижроси ҳам инсонга сарфланаётган инвестиция эмасми? Таълим тизимини бундай ривожлантириш орқали биз буюк келажакимизнинг мустақам пойдеворини яратмаймизми? Бу борадаги ислохотлар «Фарзандларимиз биздан кўра билимдонроқ, кучлироқ, ақллироқ ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган мантқиққа бўйсундирилмаганими?

Шерикликнинг меваси ширин



Бугунги кунда Ўзбекистон ва Испания давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда 6 та ўзбек-испан қўрсатётгани бунинг исботидир. Пойтахтдаги тиббиёт ва санитария техникалари

Қарши шаҳрида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва журналистлар касб маҳоратини ошириш муаммоларига бағишланган минатакавий семинар бўлиб ўтди.

Демократия ва мambuot

Қаҳқалардеда фаолият кўрсатётган нодавлат нотижорат ташкилот — «Мулоқот клуби» Оқчи жамяят институтининг Қумақ жағғармаси ҳомийлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қаҳқалар ва Сурхондарё вилоятлари оммавий ахборот воситалари, идора ва ташкилотлари маълум хизматлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ирилчилик билан амалга оширилган ислохотлар қўлимизнинг янада кенгайиши, жамяятимизда демократик тамойилларнинг қарор топиши ва мустақамлашганига оммавий ахборот воситаларининг бекиёси ўрин бор. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари том маънодаги «Тўғричи ҳокимияти» даражасига қўтарилиши учун ўзи демократлашмоғи керак. Чунки, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамяяти асосларини барпо этиш жараёнининг таркибий қисмларидан биридир. Ўз навбатида маълумотнинг демократлашуви журналист шахсига ҳам улкан масъулият юклайди.

Семинарда воҳ журналистлари оммавий ахборот воситалари демократлашувининг ҳужужий асослари, янги иқтисодий шартномада фаолият юритиш имкониятларидан фойдаланиш ҳамда журналист касб маҳоратини оширишга оид муаммолар юзасидан атрафлича фикр юротиди. Журналистнинг ўз сўзи учун масъулият ҳиссини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Семинар қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтди.

Жасур КЕНГБОВЕВ.

СУРАТЛАРДА: ишчилар Фарҳод Муҳаммадиев ва Нураат Солиҳов иш устида; қўшма корхонанинг савдо дўкониди.

Нўрможон МУҲАММАДИЕВ
Олган суратлар.

Биржа савдосида — омихта ем

Кечатгина бизга гайритабиий тузилган биржа савдолари бугун қуналди ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб борапти. Чунки халқ истеъмол моллари, хомаше, қўшма мўлк, яна бошқа ўнлаб ва юзлаб маҳсулотларини ана шу бозор орқали сотиб олиш ҳам қулай, ҳам арзон эканлигини кўпчилик тушуниб етди.

Янгида Фарғона вилояти товар-хомаше биржасида, вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ташаббуси билан Фарғона ва Қўқон ёғ-моли комбинатларида ишлаб чиқарилган чорва озуқалари — шелуха ва кунжара ҳам «Кимосди» савдосига қўйилди. Бозордаги нарх-наводан келиб чиқиб, биржада дастлабки нархлар белгиланди. Аммо савдо мубоинада ана шу баҳо икки баробар ошди. Шундай бўлса-да, 300 тоннадан зиёд шелуха ва кунжара бир зумда ўз харидорларини топти.

Биржа савдосининг афзаллиги шундаки, фермер лимит, фонд ахтариб, идорама-идора сарсон бўлиб юрмайди. Нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан маҳсулотни сотиб олаверади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ваҳоданки, Москвадан ўтириб, Ўзбекистонини бошқарган, пахта даласида қадди букниган Ўзбекистон гурурини ҳам синдириш мақсадида амалга оширилган «Ўзбеклар иши» ни бамайхотир кузатган, мамлакатдаги қонли тўқнашувларнинг сабабини қулупнай билан тушунтирган раҳбарларни ҳам кўрганмиш. Ҳокимият саввасаси туфайли намоийишлар уюштириб, уларда ҳаттоки майитдан ҳам «транспарант» сифатида фойдаланишдан тап тормаган сохта демократларни ҳам кўрганмиш. Бир кишининг руҳини азоблаш нима, 16 февралда ҳокимиятпарастликнинг қонли қўллари нимага қодир эканлигининг тўғри ҳам бўлиди. Янги ўтмишимиз «Бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр қил» деган ҳикमत асосида худлоса чиқаришга ундайди.

Албатта, юртининг ободлигига фақат кўчат-у, гулзорлар билан баҳо берилмайди. Мамлакатда қад қўтарган бинолар ҳам шу давлатнинг равнақи ҳақида гувоҳлик беради, унинг салоҳиятини кўрсатади. «Агар кудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз кудратимиз билан кўринг!». Юртимиздаги бунёдкорлик ишлари Темури бобоимизнинг Оксарой пештоқига ёдирган бу ҳикматларини эслатади. Мамлакатимиз нафақат тарихий обидалари билан, балки замонавий бинолари билан ҳам барчани лол қолдирмақда.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистонимизнинг улкан қурилдиш майдонига ўхшатиш мумкин. Агар истиқлолнинг дастлабки кунларида ҳар бир оилага иморат солиш учун алоҳида томоғра ер ажратилган бўлса, эндиликда бунёдкорлик ишлари давлат миқёсида амалга оширилмоқда. Аммо тап шундаки, ҳар бир фуқаро ўз оиласи учун бошлана курс, фақат бир Инсон барча кишиларни бошланглиқ қилиш ҳақида қайғурмоқда. Ҳар бир фуқаро иморат қураётганида ўзига қулайлик туғдиришни ўйласа, фақат бир Инсон бинолар қураётганида бутун мамлакат равнақининг ташвишини тортмоқда.

Баъзан сўхбат асосида эшитиб қолсан: «Шарти ҳозир ҳашаматли саройлар қуриш, бу — ортинча лебу зийнатта берилиш эмасми, шунга кетган маблағ одамларнинг ҳожатини қиқаришга сарфланса бўлмайми?» Албатта, бу — бир ёқлама фикр, калта ўйлаш оқибатидир. Келинг, ўйлаб кўрайлик: Ўзбекистонда қандай бинолар қад қўтаряпти? Бу бинолар қуришда қўшни қувонтириш ва ҳаёқамат учун қуриляптими ёки зарурат туфайлими?

Авалло, бу биноларнинг аксари маънавият ўчоқлари эканини унутмайлик. Темурийлар музейи, Имом Бухорий мақбараси, Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали — буларнинг барчаси халқимизнинг ифтихори, миллий гуруримизни тиклаш учун яратилмади? Наҳотки халқимизнинг топталган гурурини қайта тиклаш бизга қиммат бўлиб кўринса? Боз устига, бизда қадимдан кўримсиз бинолар қуриш урф бўлмаган, биз ҳали-ҳануз аждодларимизнинг маҳобатли бинолари билан гурурланамиз. Шундай экан, нега энди бутун барпо этяётган биноларимизнинг салобати улардан кам бўлиши керак?

Иккинчидан, қурилаётган иншоотлар ичида меҳмонхона, банк ва бир-

Тилга эътибор-элга эътибор

Тил — миллат қалби, тириклик рами. Шунинг учун ҳам Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 1-моддасидаёқ "Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сийсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қилинишини таъминлайди", дейилади.

Қонуннинг амалда бажарилишида маълум силжишлар бўлаётганини алоҳида тан олмоқ лозим. Хусусан, бу борада Термиз давлат университети ташаббускор бўлиб, вилоятимизнинг турли нуқталарида тарбиёт-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Кузатишлар шунини кўрсатдики, жойларда давлат тилига бўлган эътибор анча юқори. Бу яхши ҳолатни вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида ҳам (директори Комил Абдувоҳидов) кўриш мумкин. Иш юритиш ҳужжатларидан тортиб, ҳовли ва биноларга безак бериб туривчи турли хил шпур, панно, рекламаларга соф ўзбек тилида ёзувлар битилган. Айнакча, давонаш, жароҳат бўлимларида олиб бораётган ишлар намуна. Беморларнинг касаллик тарихи, ташхис қўйиш каби меъриий ҳужжатларнинг давлат тилида расмийлаштирилганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Бундай намуна ишлар Термиз академик лицейи, тиббиёт, иқтисодий коллежларида, тўман халқ таълими бошқармаларида ҳам амалга оширилмоқда. Лекин шундай ҳолатларга ҳам дуч келасанки, уни кўриб, таъмин хира тортиди. Бутун дунёда чекишга қарши

Қонун малҳам бўлди

кураш кетаётган бир пайтда, жойларда "PINE" рекламаси ташвиқот қилинмоқда. "Пив-бар" сўзлари тарбиёт ҳам кам эмас. Она тилида шу тил эгаси бўлган халқнинг руҳи, ўтмиши, буй-басти, бутун борлиги акс этади. Шундай экан, инсон ўз ақл-заковатини сўз орқали ифода қилишга қодир. Алишер Навоий тил сиёсати анча мураккаб эканлигига ҳам ириқ давлат арбоби — вазир, ҳам мутафаккир сифатида катта эътибор билан қараган. У киши туркий тилининг макрени кўтаришга камарбаста бўлди. Бу эса туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек тилининг бугунги тараккиёт чўққисига чиқишга замин яратди. Шу жиҳатдан қараганда, она тилимиз тарихимизни, халқимизнинг бетакор миллий аъёнларини келгуси авлода етказувчи жонли бир ҳаракат

тимсолидир. У ўзининг бой ички имконияти билан бошқа тиллардан ҳам сўзлар ўзлаштириш орқали кенгайтириб бормоқда. Бу жараён, асосан, ўзбек тили лексикасининг бойиб бориши билан изоҳланади. Лекин ажабланидан томони шундаки, ўзбек тилида маънодоши бўла туриб, оммавий ах-

салбий таъсир кўрсатади. Шунга ўхшаш — вий қўшимчали сўзлар ҳам кейинги пайтда кўп қўлланиладиган бўлиб қолди. Масалан: "Тарбиявий аҳамияти каттадир" деган жумлада бу қўшимча тўри қўлланилган бўлса, "Намунавий иш режаси", "Техникавий воситалар шайлаб қўйилди" жумлалари-

ўзбекча бу атамадан кўра, тўридан-тўри "телевидение" дегендек бўлмайдими? Қолаверса, матбуот саҳифалари ва зиёлилар нутқида ҳам сўзларни, атамаларни ва айрим ибораларни баъзан аралаш-қуралаш ишлатиш оdatта айланиб бормоқда. Масалан, "факультет" — "кулиёт", "республи-

ка тамомила зиддир. — Гоҳ қўшимчаси отлардан от асайди, "олий" сўзи эса сифат, иккинчидан, "олийгоҳ" сўзи "университет" ёки "институт" маъноларини бера олмайди. Яна бир масала. Ҳозирги пайтда талабаларни тил ўрганишга қизиқтири олиш билангина иш битмайди. Уларнинг ўзларида ҳам тил ўрганиш учун маъсулият ҳиссини уйғотмоқ ва ўстириш зарур. Утил-қизларимизга она тилини ўрганишни қанча эрта бошлаш, шунча кўп наф қўраимиз. Тарихимиз, маданий меросимизни ўргатиш ҳам шунга яраша кечади. Давлат тилини ўрганиш, ўқитиш, уни тўла эгаллаб олиш таълим соҳасидаги катта-кичик ҳар бир кишининг муқаддас бурчи саналиши ва келажакдаги барча муваффақиятларимизнинг асосий шартли бўлиши керак. Барча таълим тизимларини битираётган мутахассислар учун, умуман, Ўзбекистон халқи учун ҳам давлат тилини эгаллаш, унинг барча талабларига риоя қилиш Қонун билан кафолатланган.

Зеро, она тилимиз дунёдаги ҳеч бир тилдан қўшиммайди. Шу боис аксарият ўтмиш адабидаримиз тарихий биткиларини, ахлоқларимиз ҳикमतларини таржумонимиз, изоҳчи мутаала қилишга янги тахрирдаги Қонун малҳам бўлди. Унинг ижроси эса ҳар биримизнинг мана шу азиз она Ватанимиз қанчалик севшимизга боғлиқдир.

Холмирза ХОЛИЁРОВ,
профессор,
Қудрат ЖҲРАЕВ,
филология фанлари доктори.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Ҳиндустон парламенти 50 ёшда

Деҳлида Ҳиндустон Республикаси парламентининг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 80 га яқин мамлакатлардан парламент делегациялари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов ҳамда Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари Иброҳим Гофуровдан иборат мамлакатимиз парламенти делегацияси ҳам иштирок этди.

Халқаро конференциянинг тантанали очилиш маросимида мамлакат Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Атал Биҳари Важап қатнашди. Анжуман иштирокчилари халқаро конференция доирасида бугунги дунёнинг қатор долзарб масалалари юзасидан мунозаралар ҳам ўтказилди. "Терроризмга қарши кураш", "Парламент таъриблиари ва ҳаракат тамойиллари: ислохотлар жараёнида кўпроқ, амалий бурддорлик таъминлаш зарурати", "Парламент ижтимоий ўзгаришларнинг механизми си-

фатида" ҳамда "Парламент глобаллашу ва либераллашу замонида" сингари долзарб муаммолар юзасидан маърузалар тингланди. Иштирокчилар маъкур муҳим масалалар юзасидан фаол ўзаро фикр алмашдилар. Мамлакатимиз делегацияси аъзоси Эркин Воҳидов бугунги Ўзбекистон ва Ҳиндустон ўртасида бир қанча ўзаро муштарак жиҳатлар мавжудлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳиндустон парламенти 50 йиллиги мамлакат мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, ҳинд халқи ҳам ўз мустақиллигини қўз қорачиқдек асарини, тарихга, ўтмиш қадриятларига ҳурмат билан қарашини, терроризмни кескин қоралашини таъкидлади. Халқаро конференция ҳинд халқининг миллий байрамига улашиб кетди. Анжумандан сўнг, таъриф турли буржаклардан таъриф бюройган парламент делегациялари аъзолари Республика кунини намойишини бориб кўрдилар.

Шухрат УМИРОВ,
"Жаҳон" АА мухбири,
Деҳли.

Кнессетга сайловлар

Исроилда бўлиб ўтган парламент сайловларида Ариэль Шарон етакчилиги қилаётган "Ликуд" партияси ғолиб чиқди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Исроил парламенти (Кнессет)да "Ликуд" 36 ўринга эга бўлади (бошқа маълумотларга кўра 32 та). Партия раҳбари Шарон мамлакат Бош вазирини лавозимини сақлаб қолади ва энди у янги Вазирлар Маҳкамасини тузиши лозим. Унинг асосий рақиби Исроил сўл марказчилар партияси "Авода" 17 дан 19 тагагина ўринга эга бўлиши мумкин (ўтган таркибда "Ликуд" - 19 та, "Авода" - 26 та мандат соҳиби бўлган). Депутатлар сони бўйича Кнессетда учинчи ўринни бундан буйи марказчиларнинг "Шинуй" партияси эгаллайди. Улар 14 дан 17 нафаргача депутат ўринини олиши мумкин. «Тора ва шаббат бирлашган яҳудийлар» диний партияси Кнессетда 5-ўринни олиши, деб хабар беради «News ru».

Чегара масаласи

Россия ва Украина президентлари Владимир Путин ҳамда Леонид Кучма Киевда икки мамлакат ўртасидаги давлат чегараси бўйича шартномани имзоладилар. Владимир Путин икки сўнг журналистларнинг саволига жавоб бўлиб берар экан, шартнома — ўзаро келишув натижаси эканлигини қайд этди. Леонид Кучма ҳам ушбу фикрини маъқуллаб, соғлом фикрдаги ўзаро келишув шартнома устида иш олиб боришида муҳим омили бўлганлигини таъкидлади. "РИА «Новости» агентлигининг хабар беришича, Россия президенти «бу борада ҳали шайсий миқёсда ва экспортлар миқёсида иш олиб борилиши» зарурлигини ҳам таъкидлаган. Шу билан бирга «бу масалалар келажакда ўз ечимини топишини» айтган. Айти пайтда икки давлат ўртасидаги чегара 2063 километри ташкил этади. «Интерфаксининг» маълумотига кўра, чегара масалаларини ҳал этиш учун махсус комиссиянинг 12 та йиғилиши бўлди. Давлат чегарасини делимитация қилиш жараёни 4 йил давом этди.

Банкнинг хатоси

Британиядаги банклардан бири адишб кетиб Линда Перши исмли аёлнинг ҳисоб рақамига 70000 доллар ўтказган. Перши бу ҳақда дарҳол банк маъмуриятига хабар қилган. Банк хатосини тан олишдан бош тортган ва хонимга "пулларни ўз билганингизга ишлатавэринг" деган. "The Telegraph"нинг маълумотига кўра, аёл бунга ишониб пулларнинг бир қисминини ишлатиб юборган ва хибсга олинган. Чунки банк икки ойдан сўнг пуллар Линда Першига тегушли эмас ва маблаг қайтарилиши зарурлиги ҳақида маълум қилган. Шу муносабат билан бўлиб ўтган судда судья "Lloyds NSB" банки раҳбарларидан биридан воқеа тафсилотларини айтиб беришини сўраганда, айбловчи томон ушбу иш ёпилишини илтимос қилган. "Айбланувчи" — Перши хонимнинг таъкидлашча, у банкнинг хатоси туфайли унга ўтиб қолган пулларнинг барчасини қайтарган. Узининг ҳисоб рақамини бошқа молия муассасасига ўтказган.

Етти ёшли ҳайдовчи

АҚШнинг Коннектикут шаҳри полицияси оdatдагидек автомобилни текшириш учун тўхтаганда ҳайратдан ёқа ўшладди. Негаки автомобилни 7 ёшли бошқарувчи экан. Унинг ёшида эса бирон киши бўлмаган. Болаканинг дадаси Китсон Браун полициячиларга автомобилни ўлига спорт машғулотларидан сўнг уйга етиб олиш учун берганини маълум қилган. Автомобилни тўхтаган полициячи Жеймс Леонард шундай деди: «Даставвал мен машинада ҳеч ким йўқ, деб уйландим, чунки ойнадан болаканинг сочигина кўриниб турарди». Маълум бўлишча, шу аҳволда 7 ёшли бола 1,5 километрдан эишда масофани босиб ўтган. "Апалоча" хабарига кўра, энди унинг дадаси кунун олдйда жавоб беради.



Хуришдек Раҳмонов чўпонлар сулоласининг кенже вақили. У Фуқрат туманидаги "Томоша" ширкат ҳўжаеининг таърибли чўпонни Хусан Раҳмонов бош бўлган жамоада меҳнат қилади. Мажмуи қўй-қўзани қишдан белафот олиб чиқиш, қўзлаштиш масъулсини муваффақиятли ўтказиш, зотдор қўйлар сонини кўпайтириш ишларида, барча чўпонлар сингари у ҳам масъул. — Отар ортида юришининг, отда ялаво кезишининг ўз гаши бор, — дейди еш чўпон Хуришдек Раҳмонов. — Бу гашини ҳеч ким чўпончалик теран анламаса керак. Мақсадим боболарим касбини давом эттириши.

СУРАТДА: еш чўпон Хуришдек Раҳмонов.
Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўсмир йўл бошида

Шарқда азалдан бола тарбиясига алоҳида маъсулият билан қаралган. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний кўпгина асарларида фарзанд тарбиясида урта муҳим жиҳат - бадан, фикр ва ахлоқ тарбиясига жиддий эътибор қаратган.

Шу маънода бугун юртимизда ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ҳукуматнинг қатор дастурлари, қарорлари қабул қилинаётганини алоҳида қайд қилиш лозим. Шундай ҳужжатлардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қароридир. Айтиш мумкинки, бу ҳужжат идоралар ва ташкилотларга вояга етмаганлар масалалари билан шуғулланишида мустақил фаолият кўрсатиш борасида зарур ҳуқуқий замин яратиб бериб.

Мазкур қарор воситасида ҳўкимлалар ҳўзуридаги комиссиялар, ички ишлар тизимидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи маъсул идоралар: таълим, соғлиқ сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа вазирликларнинг таркибий тизималари фаолияти мувофиқлаштирилиб боришмоқда. Хусусан, Самарқанд ҳўкимлиги ҳўзуридаги мазкур комиссиянинг вилоят прокуратураси билан ҳамкорлиги натижасида ўсмирлар ўртасидаги ҳўқуқбузарлик ва жиноятчилик ўтган йилларга нисбатан анча камайди. Ўтган йил якунида ўрта-маҳсус касб-ҳўнавор бошқармаси тизимидаги коллеж ва лицейлар талабалари, халқ таълими бошқармаси тизимидаги

юқори синф ўқувчилари ўртасида вилоят ҳўкимини ва прокурори кубоги учун ўтказилган мусобақада 540 нафар та-

ри ушбу муассасаларда тез-тез бўлишиб, тарбияланувчиларнинг ахлоли, бўш вақтларини қандай ўтказишгаётганини кузатиб боради. Шунингдек,

Масъуллиқ туйғуси

ҳеч биримизни тарқ этмасин

лаба ва ўқувчи иштирок этди. Шунингдек, турли ҳўқуқбузарликлар содир этган ва ички ишлар идоралари назоратида турган ўсмирлар ўртасида «Спорт ёшлар келажига ва ҳаёт қувончига» ширини остида енгил атлетика мусобақалари ўтказилиб, голибларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида «Тонг» фирмаси ҳўимлигида вояга етмаган 13 нафар ногиронли 1 миллион 700 минг сўмлик арвақлар олиб берилди. Айти пайтда вилоятда вояга етмаганлар 1 миллион 293 мингга ташкил этади. Шундан 977 минг нафари 4 та меҳрибонлик уйи, мактаб, интернат, махсус мактаб ва умумий таълим муассасаларида илм ўрганмоқда. Комиссия аъзола-

вилоят комиссияси тавсияси билан жойларда ҳар ойнинг биринчи шанбаси «Вояга етмаганлар кунин» деб белгиланган. Бундан ташқари ҳўкимликлар ва ҳўқуқ-тарбиёт идораларида ўсмирлар учун «Очиқ эшиклар» кунини мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Ўтган 2002 йилнинг 30 ноябрида вилоят ҳўкимлиги комиссияси ва прокуратураси ташаббуси билан «Мурувват кунин» тадбири ўтказилди. Унда 280 нафар етим болага ҳўимлар ёрдамида кийим-кечаклар улашилди. Бир сўз билан айтганда, юрт келажига, жамият равақига кўп жиҳатдан еш авлоднинг тарбияси боғлиқ. Соғлом, маънавий баркамол, кенг дунёқарашли авлоднинг мамлақати-

миз келажига муносиб тарзда шакллантиришга барчамиз бурчликимиз. Президентимиз еш авлод тарбияси масаласига жиддий эътибор билан қарайдилар ва ҳаминча бу ниҳоятда нозик масала эканлигини, унга шунчалик муносабатда бўлиш мумкин эмаслигини бот-бот тақдорлайдилар. Демак, келажак ворисларига ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасида экан, ҳеч ким бу ишдан ўзини четта олмаслиги, ёшлар ҳаётига маъсуллик туйғуси ҳеч биримизни тарқ этмаслиги керак.

В.РОФИЕВ,
Самарқанд вилояти ҳўкимлиги ҳўзуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг маъсул котиби.

Хўжалиқ фаолияти мониторинги

У қандай самара бермоқда?

Жиззах вилояти Банкротлик ва санация масалалари комиссиясининг ишчи органи — Иқтисодий ночор корхоналар ишлари вилоят бошқармаси томонидан ўтган йили 76 та корхонанинг молия-ҳўжалиқ фаолияти пухта ўрганиб чиқилди. Шунингдек, объектив тахлиллар орқали иқтисодий ночор ҳолатга бориб қолган жамоаларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш мақсадида 260 та корхона молия-ҳўжалиқ фаолиятининг мониторинги ўтказилди. Ҳўш, ана шу тадбирлар қандай самара берди? Бошқарма бошлиғи Акбар АЗИЗОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Аввало, шунини таъкидлаш жоизки, — деди у, — бошқарма томонидан турли жамоаларнинг молия-ҳўжалиқ фаолиятларини мониторингини ташкил этиш, иқтисодий фаолиятларини ўрганишдан мақсад уларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаш эмас, балки корхоналарнинг ичоралик ҳолатига келиб қолгани сабабларини аниқлаш ва иқтисодий соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишдир. Бунини тушунаган кўпгина раҳбарлар, афсуски, ўтказмаётган тадбирларимизга қалал беришга, биз учун зарур маълумотларни тайёрлашни пайсалга солишга интиломоқдалар. Айнан шундай ҳўдларда бошқармаимизга корхоналарнинг маъсул ходимларига нисбатан чоралар кўриш ва қолатлари берилган. Шундай қилаёلمиз ҳам. Хусусан, ўтган йили ҳисоботларини кеч тўширган «Баракча нон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Равшанов, «Жиззахки-тоб» ҳиссадорлик жамияти раиси А.Хидиров, «Чимқўрғон» автомобиль йўллари бўлими раҳбари Ф.Алимов, Арнасайдаги 6-кўчма механизацияла-

риш усулини қўллаёلمиз. Жумладан, «Галлаоролдаги» «Кўйтош кони», «Галлаоролдаги» ҳиссадорлик жамияти, Жиззах шаҳридаги «Оҳақ», Пахтакор таъмирлаш корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, самарадорликка эришиш мақсадида 12 ойдан тизим йилгача ташқи бошқарув иқтисий жорий этилди. Натияжада бу корхоналарнинг кўпчилиги ўзини тўлиб олди, ҳатто белгиланган мўддатда қарзлардан ҳам қутулди. Ана шу тадбирлар йўлида берилган 56 та корхона эса илҳозин «банк-рот» деб эътироф этилди. Демак, бундай корхоналарнинг мол-мулкларини сотиш эъзига уларнинг турли қарзларини тўлаш, жамоаларини эса давлат рўйхатидан чиқариш керак.

Мисол учун, ўтган йили банкрот бўлган жамоаларнинг 457 миллион сўмлик ақин мол-мулки сотилиб, шунинг ҳисобига қарзлари имкон қадар қопланди.

— Аммо, бизга маълум бўлишча, вилоятда банкрот бўлган корхоналарни тугатиш, мол-мулкларини сотиш жараёнини ҳўзимли кетиши ҳўдлари ҳам учраб турибди, шундайми? — Урилли савол. Сабоби — жойларда ҳамма ҳам бу жараёнда жиддий ёндашмапти. Масалан, Зарбдор туманидаги «Ойбарчи» ва «Сахро» ҳўсули фирмалари 2002 йилнинг февраль ойида «банк-рот» деб топилган. Бу фирмаларни тугатиш ишларига маъсул бўлган Ҳайитбой Абдукаримов

Хабарлар оқимида

Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида Назира Аҳмедова номидаги танлов голибларининг концерти бўлди. Концерт Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда Толибжон Содиков номидаги халқаро хайрия мусиқ жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Танлов голиблари катта театр саҳнасида

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз миллий санъати ривожланиш ҳисса қўшган машҳур артистларини ёллаб, уларнинг ижодий меросини ўрганиш ҳамда бу меросини ёшлар орасида тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова ҳам опера саъиятига муносиб ҳисса қўшган саъияткорлардан бири эди. Бу танловни ўтказишдан мақсад воқал санъати билан шуғулланаётган истеъдодли ёшларни юзага чиқариб, уларни рағбатлантиришдир. Юртимизда эстрада соҳасидатгина эмас, мусиқий санъатнинг мумтоз, миллий жанрларида ҳам жуда кўп ёшлар шуғулланаётганини айтиш мумкин. Мазкур концерт шу фикрнинг тасдиғи бўлди. Унда «Нихол» мусиқоти совирдорлари, мазкур танлов Гран-приси соҳиби Саида Мамадалиева, танлов голиблари Малика Нурматовна, Элиза Айтишова, Гулнора Алжанова, Маҳфуза Исломова муваффақиятли иштирок этиб, томошбинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Мутахассислар ўқуви

Фаргона туманидаги «Чимён» сўхаттоҳида вилоят қишлоқ хўжалиқ ходимларининг ўқуви бошланди. Унда вилоят ҳўкимини А. Отабоев 2002 йил якуни ва галатдаги вазифалар ҳўсулида маъруза қилди. Ўқувнинг дастлабки кунинда махсулот таннархини арзонлаштириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқонларнинг ҳўқуқий саводхонлигини юқори поғонага қўтариш бўйича вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Т. Сўпиев, Фаргона давлат университети ўқитувчиси Ф. Тўрғунбоев, Фаргона политехника институти проректори Н. Усмонов, вилоят молия бошқармаси бошлиғи М. Маннонов ва бошқарма сўзга чиқдилар.

«Халқ сўзи» мухбири Баҳриддин САТТОРОВ,
сўхбатлашди.

С. ДАДАХҲҲАЕВ.

